

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№2/2020(149) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУХАРРИР:

Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 5.05.2020 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғали ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 6840 нусха.
Буюртма №

МУНДАРИЖА

- 2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**
Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида
- 10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**
Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида
- 20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**
Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг баъзи қарорларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида
- 31. Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори**
- 38. Д. ҲАБИБУЛЛАЕВ**
Адвокатуранинг институтини ислоҳ қилиш давр талаби
- 41. Г. УРАЗБОЕВА**
Ҳисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг хусусиятлари

СОДЕРЖАНИЕ

- 6. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан**
О некоторых вопросах применения судами законодательства в связи с введением на территории Республики Узбекистан мер по предотвращению распространения коронавирусной инфекции (COVID-19)
- 15. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан**
Об обеспечении открытости судебного разбирательства и права на получение информации о деятельности судов
- 26. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан**
О внесении изменений и дополнений в некоторые постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан и Пленума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан, признания утратившими силу некоторых постановлений Пленума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан
- 45. А. МИРЗАЕВ**
Защита прав человека во главе политики Узбекистана
- 48. Ж. НЕЪМАТОВ**
Значение системно-правовых принципов криминализации (декриминализации) в уголовном нормотворчестве
- 50. А. ХАЙРУЛИНА**
Вопросы статуса адвоката в некоторых зарубежных странах
- 54. Р. ШАКУРОВ**
Отдельные аспекты правового обеспечения, регулирования и защиты административно-правовых отношений



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 28 апрел

№ 08

Тошкент шаҳри

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 16 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилган бўлиб, бу давлат органлари ва бошқа муассасалар ишлаш тартибига, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жиддий ўзгартиришлар киритилишига, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига, шу жумладан, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлди. Бундай чоралар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқла-

рига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 23 мартдаги 176-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли фармойиши билан

ташқил этилган Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорлари; бошқа қонун ҳужжатларида мувофиқ жорий этилди.

2. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, карантин даври ва шартлари Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорлари билан белгиладани ва расман бекор қилингунга қадар амал қилади.

3. Судларга тушунтирилсинки, карантин амал қилиши даврида даъво муддати

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 156-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига асосан тўхтатилади.

Бунда шунга эътибор қаратиш лозимки, агар карантин даъво муддатининг охириги олти ойида жорий этилган ёки амал қилиши давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Даъво муддатининг тўхтатилишига асос бўлган карантин бекор қилинган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, агар даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг учинчи қисмига кўра, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс фақат мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаган ҳолдагина, жавобгар бўлади.

Шу муносабат билан судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда (неустойка ундириш, зарарларни қоплаш, шартнома-

ни бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантиришни рад этиши лозим.

5. Қонунга мувофиқ жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ишларда иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ёки суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар ўтиши билан у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади.

Шу билан бирга, процессуал ҳаракатларни карантин жорий этилиши муносабати билан амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда, судлар процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда узайтириш ва тиклаш масаласини ҳал этиши зарур, башарти қонун бундай муддатларни узайтириш ёки тиклашга йўл қўйса.

6. Судлар шунга алоҳида эътибор қаратиши лозимки, карантин жорий этилиши ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, уй қамоғида бўлиш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораларининг қонунда белгиланган муддатларини, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш муддатлари ўтишини тўхтатмайди.

Шу муносабат билан жиноят ишлари бўйича судлар

эҳтиёт чораларини қўллаш, ўзгартириш, бекор қилиш, эҳтиёт чоралари муддатларини узайтириш, касаллиги ёхуд ногиронлиги туфайли жазодан озод қилиш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ишлар ва материалларни ўз вақтида карантин шартларига риоя этган, шу жумладан, видеоконференца-лоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш чораларини кўриши лозим.

7. Тегишли процессуал қонунда назарда тутилган фуқаролик, жиноят, маъмурий, иқтисодий иш бўйича иш юритишни тўхтатиш асослари тугал эканлиги сабабли, судлар мазкур ишлар бўйича иш юритишни карантин жорий этилиши муносабати билан тўхтатишга ҳақли эмас ва уларни ўз вақтида, карантин шартларида белгиланган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиши, бундай чоралар кўришининг ҳамда процесс иштирокчилари иштирокини амалда таъминлашнинг имконияти бўлмаганда, ишни кўришни маълум муддатга қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши лозим.

Бунда карантин жорий этилиши муносабати билан қолдирилган ишларни кўриш муддатлари бузилиши ҳоллари судьялар айби билан йўл қўйилган деб баҳоланиши мумкин эмас.

8. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ушбу қарор 7-бандининг биринчи хатбошисида кўрсатилган қоидалар қўйидагиларга татбиқ этилмайди:

буйруқ тартибида кўриладиган ишларга;

соддалаштирилган тартибда кўриладиган ишларга;

тарафлар томонидан ишни уларнинг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома берилган ишларга, башарти суд суд мажлисида тарафлар иштирок этишини шарт деб топмаган бўлса;

кечиктирмай кўрилиши талаб этиладиган бошқа ишларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 117-моддасининг 2-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, яъни тараф даволаш муассасасида бўлганда, шунингдек, тарафлардан бирортасида судга келишга монелик қиладиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлганда, иш бўйича иш юритиш суд томонидан тўхтатилиши мумкин.

10. Судларга тушунтирилсинки, судларнинг қамоқдан ва уй қамоғидан озод қилиш тўғрисидаги ҳукмлари, ажримлари, қарорлари дарҳол ижрога қаратилиши лозим.

Карантин жорий этилгунга қадар қонуний кучга кирмаган суд қарорлари, шунингдек, карантин даврида чиқарилган ва карантин жорий этилиши муносабати билан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) суд қарорлари карантин амал қилиши бекор қилингандан сўнг ижрога қаратилади.

11. Иқтисодий судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармонининг қоидаларини инобатга олган ҳолда:

карантин жорий этилган пайтдан бошлаб ва 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт (импорт) қилувчиларга молиявий жарималар қўллаш тўғрисидаги аризалар келиб тушганда бундай аризаларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қабул қилиш рад этилиши, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилиши лозим;

Фармон қабул қилингунга қадар қўзғатилган чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт (импорт) қилувчиларга молиявий жарималар қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш 2020 йил 1 октябрга қадар тўхтатилади.

12. Иқтисодий судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли,

иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда:

хўжалик юритувчи субъектлар ва божхона органлари ўртасидаги божхона имтиёзларини қўллаш масалалари бўйича низоларни кўришда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган товар Фармоннинг 1-иловасида кўрсатилган товарларга кириши ёки кирмаслиги, қурилиш материаллари कोरोनाвирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун, товарлар эса, улар фаолият кўрсатиши учун олиб кирилганлиги аниқланиши ва унинг натижаси бўйича низо юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим;

солиқ органларининг солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш тўғрисидаги даъво аризаларини кўриб чиқишда жавобгар (солиқ тўловчи) Фармон 4-бандининг "а" кичик бандида кўрсатилган субъектларга кириши ёки кирмаслиги аниқланиши, агар кирганда — солиқ тури ва солиқ ҳисобланган давр, солиқ органи томонидан қўлланилган солиқ ставкаси аниқланиши ва унинг натижаси бўйича низо юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим;

солиқ органларининг солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш ҳақидаги даъво аризаларини кўриш-

да солиқ органлари мазкур объект 2020 йил 1 апрелгача ёки ундан сўнг аниқланган бўлишидан қатъи назар 2020 йил 1 апрелдан 31 декабргача бўлган даврда фойдаланилмаётган объектларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллашга, 2020 йил 1 апрелга қадар оширилган ставкалар бўйича ҳисобланган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммасига нисбатан пеня ҳисоблашга ва мажбурий ундириш чораларини кўришга ҳақли эмаслигини назарда тутиш лозим;

солиқ органларининг якка тартибдаги тадбиркорлардан солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш ҳақидаги даъво аризаларини кўриб чиқишда солиқ органи томонидан ҳисобланган жисмоний шахсларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқ даври аниқланиши лозим, бунда назарда тутиш лозимки, 2020 йил 24 мартдан бошлаб карантин амал қилиниши бекор бўлгунга қадар кўрсатилган солиқлар ҳисобланмайди, агар якка тартибдаги тадбиркор томонидан ўз фаолиятини тўхтатилганлиги ҳақида солиқ органини хабардор қилган бўлса. Бунда судлар шуни назарда тутиши лозимки, агар бундай хабарнома солиқ органига юборилмаган бўлса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммаси ва ижтимоий солиқ ҳисобланиши тўхтатилмайди;

карантин жорий этилган пайтдан бошлаб ва 2020

йил 1 октябргача бўлган даврда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган қарздор — юридик шахснинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида аризалар келиб тушганда бундай аризаларни ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қабул қилиш рад этилиши, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилиши лозим. Ушбу қоида банкротликнинг соддалаштирилган тартибида иш қўзғатиш ҳақидаги аризаларга, шунингдек, кўрсатилган чеклов чоралари киритилгунга қадар молиявий қийинчиликларга дуч келган қарздор — юридик шахснинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризаларга нисбатан татбиқ этилмайди;

давлат корхоналари — давлат мулкларини ижарага бериш марказларининг ижара тўловлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларини кўришда қарздорлик юзага келган давр аниқланиши лозим. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, агар карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини ижарачи — тадбиркорлик субъекти томо-

надан тўхтатилган бўлса, 2020 йил 24 мартдан бошлаб карантин амал қилиниши бекор бўлгунга қадар ижара тўловлари ҳисобланмайди.

13. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда, агар 2020 йил 1 октябрга қадар бўлган давр мобайнида кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги ишларни кўришда қарздор томонидан кредит бўйича тўловлар карантининг амал қилиш даврида молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли кечиктирилганлиги ва шу сабабли қарздор кечиктириш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланганда, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилиши лозим. Бундай қарор жорий этилган карантин режими қарздорларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланганда, қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига жарима санкцияларини ундириш ва ундирувни гаров таъминотига қаратиш тўғрисидаги даъволар бўйича ҳам қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,

Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

28 апреля 2020 год

№ 08

город Ташкент

О некоторых вопросах применения судами законодательства в связи с введением на территории Республики Узбекистан мер по предотвращению распространения коронавирусной инфекции (COVID-19)

В связи с введением на территории Республики Узбекистан мер по предотвращению распространения коронавирусной инфекции (COVID-19), вопросами, возникающими в судебной практике, а также в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм материального и процессуального закона, руководствуясь статьей 17 Закона "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Обратить внимание судов, что на территории Республики Узбекистан с 16 марта 2020 года введены особые меры (карантин), направленные на предотвращение распространения коронавирусной инфекции (COVID-19), повлекшие внесение существенных изменений в порядок функционирования государственных органов и иных учреждений, деятельности субъектов предпринимательства, ограничение прав граждан на свободное перемещение, в том числе на реализацию права на судебную защиту. Такие меры введены:

Указом Президента Республики Узбекистан от 19 марта 2020 года № УП-5969 "О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений";

Указом Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2020 года № УП-5978 "О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коро-

вирусной пандемии";

постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 марта 2020 года № 176 "О дополнительных мерах по предотвращению распространения коронавирусной инфекции";

решениями Специальной республиканской комиссии по подготовке Программы мер по предупреждению завоза и распространения коронавируса в Республике Узбекистан, образованной распоряжением Президента Республики Узбекистан от 29 января 2020 года № Р-5537;

другими актами законодательства.

2. Судам следует иметь в виду, что период и условия карантина определяются решениями Специальной республиканской комиссии по подготовке Программы мер по предупреждению завоза и распространения коронавируса в Республике Узбекистан и действуют до его официальной отмены.

3. Разъяснить судам, что в период действия карантина срок исковой давности приостанавливается на основании пунк-

тов 1 и 2 части первой статьи 156 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

При этом следует обратить внимание, что течение срока исковой давности приостанавливается, если карантин введен или продолжал действовать в последние шесть месяцев срока давности.

Со дня прекращения карантина, послужившего основанием приостановления срока давности, течение срока давности продолжается, при этом оставшаяся часть срока удлиняется до шести месяцев и, если срок исковой давности был менее шести месяцев, — до срока исковой давности.

4. Согласно части третьей статьи 333 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, если иное не предусмотрено законом или договором, лицо, не исполнившее или ненадлежащим образом исполнившее обязательство при осуществлении предпринимательской деятельности, несет ответственность лишь в случае, если не докажет, что надлежащее исполнение оказалось невозможным вследствие непреодолимой силы, то есть чрезвычайных и непредотвратимых при данных условиях обстоятельств (форс-мажор).

В связи с этим, судам при разрешении вопроса об ответственности за неисполнение или ненадлежащее исполнение обязательств (взыскание неустойки, возмещение убытков, расторжение договора и т.п.) следует устанавливать причины неисполнения обязательств и в случае установления, что исполнение или надлежащее исполнение обязательства оказалось невозможным вследствие введения карантина, следует отказывать в удовлетворении требования.

5. В соответствии с законом лица, участвующие в уголовном, гражданском, административном, экономическом делах, утрачивают право на совершение тех или иных процессуальных действий с истечением процессуальных сроков, установленных законодательством или назначенных судом.

Вместе с тем, в случаях невозможности осуществления процессуальных действий в связи с введением карантина, су-

дам необходимо в установленном законом порядке решить вопрос о продлении и восстановлении процессуальных сроков, как пропущенных по уважительным причинам, если закон допускает продление или восстановление таких сроков.

6. Судам следует обратить особое внимание на то, что введение карантина не приостанавливает течение установленных законом сроков мер процессуального принуждения в виде задержания, содержания под стражей, нахождения под домашним арестом, а также сроков условно-досрочного освобождения от наказания и замены наказания более мягким наказанием.

В связи с этим, судам по уголовным делам следует принять меры к своевременному рассмотрению дел и материалов о применении, изменении, отмены мер пресечения, продления сроков мер пресечения, об освобождении от отбывания наказания по болезни либо по инвалидности, об условно-досрочном освобождении от наказания и замене наказания более мягким с соблюдением условий карантина, в том числе с использованием средств видеоконференцсвязи.

7. Поскольку основания приостановления производства по гражданскому, уголовному, административному, экономическому делу, предусмотренные соответствующим процессуальным законом, являются исчерпывающими, суды не вправе приостанавливать производство по этим делам в связи с введением карантина и должны принять меры к своевременному их рассмотрению с соблюдением мер предосторожности, предусмотренных условиями карантина, а при невозможности реального обеспечения таких мер и явки участников процесса, выносить определения об отложении рассмотрения дела на определенный срок.

При этом, случаи нарушения сроков рассмотрения дел, отложенных в связи с введением карантина, не могут оцениваться как допущенные по вине судей.

8. Обратить внимание судов, что правила, указанные в абзаце первом пункта 7 настоящего постановления, не распространяются на рассмотрение дел:

приказного производства;
рассматриваемых в порядке упрощенного производства;

по которым сторонами заявлены ходатайства о рассмотрении дела в их отсутствие, если суд не признает обязательным участие сторон в судебном заседании;

иных дел, требующих безотлагательно рассмотрения.

9. При наличии обстоятельств, предусмотренных пунктом 2 статьи 117 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан, то есть нахождения стороны в лечебном учреждении, а также при наличии у кого-либо из них заболевания, препятствующего явке в суд, подтвержденного справкой медицинского учреждения, производство по делу может быть приостановлено судом.

10. Разъяснить судам, что приговоры, определения, постановления судов об освобождении из-под стражи и домашнего ареста приводятся в исполнение немедленно.

Судебные решения, не вступившие в законную силу до введения карантина, а также судебные решения, вынесенные в период карантина, и не обжалованные (не опротестованные) в апелляционном порядке в связи с введением карантина, обращаются к исполнению после прекращения действия карантина.

11. Разъяснить экономическим судам, что с учетом положений Указа Президента Республики Узбекистан от 19 марта 2020 года № УП-5969 "О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений":

при поступлении в период с момента введения карантина и до 1 октября 2020 года заявлений о применении штрафных санкций к экспортерам (импортерам), допустившим задержку поступления выручки

в иностранной валюте из-за рубежа, следует отказывать в принятии таких заявлений к производству суда применительно к пункту 1 части первой статьи

154 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — ЭПК), а если заявление принято к производству, прекратить производство по делу применительно к пункту 1 статьи 110 ЭПК;

производство по делам о применении штрафных санкций к экспортерам (импортерам), допустившим задержку поступления выручки в иностранной валюте из-за рубежа, возбужденным до издания Указа, подлежит приостановлению на срок до 1 октября 2020 года.

12. Разъяснить экономическим судам, что с учетом положений Указа Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2020 года № УП-5978 "О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии":

при рассмотрении споров между хозяйствующими субъектами и таможенными органами по вопросам применения таможенных льгот следует устанавливать — не относится ли ввезенный на территорию Республики Узбекистан товар к товарам, предусмотренным в приложении № 1 к Указу, ввезены ли строительные материалы для строительства медицинских и карантинных учреждений по борьбе с коронавирусной инфекцией, а товары — для их функционирования, и в зависимости от этого принимать соответствующее решение по спору;

при рассмотрении исковых заявлений налоговых органов о принудительном взыскании налоговой задолженности следует устанавливать — не относится ли ответчик (налогоплательщик) к субъектам, предусмотренным в подпункте "а" пункта 4 Указа, а если относится — устанавливать вид налога и период, за который начислен налог, и примененную налоговым органом ставку, и в зависимости от этого принимать соответствующее решение по спору;

при рассмотрении исковых заявлений налоговых органов о принудительном взыскании налоговой задолженности следует иметь в виду что, в период с 1 апреля по 31 декабря 2020 года налоговый орган не вправе исчислять налог на

имущество и земельный налог в отношении неиспользуемых объектов по повышенным ставкам независимо от того — выявлен такой объект до или после 1 апреля 2020 года, а к начисленной до 1 апреля 2020 года сумме налога на имущество и земельного налога по повышенным ставкам — начислять пени и применять меры принудительного взыскания;

при рассмотрении исковых заявлений налоговых органов о принудительном взыскании налоговой задолженности с индивидуальных предпринимателей следует устанавливать период, за который налоговым органом начислены налог на доходы физических лиц и социальный налог, имея в виду, что с 24 марта 2020 года до прекращения действия карантина указанные налоги не начисляются, если индивидуальным предпринимателем уведомлен налоговый орган о приостановлении деятельности. При этом судам следует иметь в виду, если такое уведомление не направлено налоговому органу, начисление фиксированной суммы налога на доходы физических лиц и социального налога не приостанавливается;

при поступлении в период с момента введения карантина и до 1 октября 2020 года заявления о возбуждении дела о банкротстве должника — юридического лица, столкнувшегося с финансовыми затруднениями в связи с ограничительными мерами, введенными для противодействия распространению коронавирусной инфекции, следует отказывать в принятии таких заявлений к производству применительно к пункту 1 части первой статьи 154 ЭПК, а если заявление принято к производству, прекратить производство по делу применительно к пункту 1 статьи 110 ЭПК. Данное правило не распространяется на заявления о возбужде-

нии дела о банкротстве по упрощенной процедуре банкротстве, а также на заявления о возбуждении дела о банкротстве должника - юридического лица, столкнувшегося с финансовыми затруднениями до введения указанных ограничительных мер;

при рассмотрении исковых заявлений государственных предприятий — центров по передаче государственного имущества в аренду о взыскании задолженности по арендным платежам следует устанавливать период, за который образовалась задолженность. При этом следует иметь в виду, что с 24 марта 2020 года до прекращения действия карантина арендные платежи не начисляются, если арендатором — субъектом предпринимательства приостановлена своя деятельность на период действия карантинных мероприятий.

13. Разъяснить судам, что с учетом положений Указа Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2020 года № УП-5978 "О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии", если при рассмотрении в период до 1 октября 2020 года дел о взыскании задолженности по кредитам будет установлено, что заемщиком просрочена выплата кредита в связи с возникшими в период действия карантина финансовыми трудностями и по этой причине заемщик имеет право на отсрочку, следует отказывать в удовлетворении заявленного требования. Такое же решение принимается по искам о взыскании штрафных санкций и обращении взыскания на залоговое обеспечение по просроченным кредитам заемщиков, при установлении негативного воздействия введенного режима карантина на деятельность заемщика.

**Председатель Верховного суда
Республики Узбекистан**

К. КАМИЛОВ

**Секретарь Пленума,
судья Верховного суда**

И. АЛИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 21 февраль

№ 04

Тошкент шаҳри

Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида

Суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шунингдек, судлар томонидан мазкур масалага оид қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан судлар суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратишлари лозим.

2. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, суд муҳокамаси ошкоралигини, фуқаролар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг судлар фаолиятига доир ахборотдан хабардорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Судлар тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунларига, бошқа норматив-ху-

қуқий ҳужжатларга мувофиқ, тегишлича, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини фуқароларнинг тили, жинсий, ирқий, миллий мансублиги, диний, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб чеклашга йўл қўйилмайди.

4. Суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолиятига доир ахборотни олиш фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига олиб келмаслиги лозим, чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига кўра, судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар.

5. Тушунтирилсинки, оммавий ахборот воситалари муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга (босим ўтказишга) ҳақли эмас.

Судья суд қарори қонуний кучга кирмаган иш бўйича интервью беришга ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас.

6. Суд муҳокамаси ошкоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминланади.

Очиқ суд мажлисларини процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар қатнашишини истисно этадиган биноларда ўтказишга йўл қўйилмайди.

Очиқ суд мажлисида процесс иштирокчиси бўлмаган вояга етмаганлар ҳозир бўлишига фақат тегишли процессуал қонун талабини инobatга олган ҳолда йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари очик суд мажлисида иш бўйича маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши маълумот олишнинг қонуний йўли эканлигини инobatга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асосларга кўра, суд мажлиси залига киришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

7. Иш муҳокамаси тўлиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида ўтказилишига фақат қонунда назарда тутилган асосларга кўра, йўл қўйилади (ФПК 12-моддаси иккинчи қисми, ЖПК 19-моддаси биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи қисмлари, ИПК 11-моддаси иккинчи қисми, МСИЮТК 13-моддаси иккинчи қисми).

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига эркин киришига тўсқинлик қиладиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак.

Иш ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳамма учун очик бўлиши лозим.

Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши ҳақида суд мажлиси баённомасида ва иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати-нинг кириш қисмида ҳам кўрсатилади.

8. Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида

ўтказилиши тўғрисидаги ажрим эълон қилинганга қадар процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залидан четлаштирилиши мумкин эмас. Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги қарор ишни суд муҳокамасига тайинлаш чоғида қабул қилинган ҳолларда, процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига киритилмайди.

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш ҳақидаги ажрим эълон қилинганидан сўнг процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залидан четлаштирилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Агар суд томонидан жиноят ишининг муайян қисми ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинса, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисининг шу қисмига киритилмайди.

Ёпиқ суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга йўл қўйилмайди, бундай мажлисда аудио- ва видеоёзув амалга оширилмайди.

Ёпиқ суд мажлиси ўтказилганда ишни электрон тарзда шакллантиришга йўл қўйилмайди.

9. Агар фуқаролик ишида, шунингдек, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ишда давлат сирига ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга оид маълумотлар мавжуд бўлса ёки фуқаролик иши ёпиқ суд мажлисида кўрилиши шартлиги қонунда назарда тутилган бўлса, суд фуқаролик ишини ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқади.

Процесс иштирокчисининг илтимосномасига биноан, суд шахсий ҳаёт дахлсизлигини ёки қонун билан қўриқланадиган маълумотлар сир сақланишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишини, шунингдек, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ишни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишга ҳақли (ФПК 12-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, МСИЮТК 13-моддаси иккинчи қисми).

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, суд муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги илтимоснома нафақат ўз шахсий манфаатлари борасида илтимосно-

ма киритаётган шахс ва (ёки) унинг вакили томонидан, балки ФПК 50, 52-моддаларига кўра, бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилган шахслар (масалан, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органи ва ҳ.к.) томонидан ҳам берилиши мумкин.

10. Жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида ўтказишга ЖПК 19-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

11. Давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ишнинг ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилинишига, фақат Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ишда давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга оид маълумотлар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

12. Иш тижорат сирини сақлаш мақсадида ёпиқ суд мажлисида, башарти, бундай маълумотга эга бўлган ва тегишли илтимоснома киритган шахс Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сирини тўғрисида"ги Қонуни 10-моддасига мувофиқ, тижорат сирини муҳофаза қилиш чора-тадбирини кўрган бўлса, муҳокама қилиниши мумкин.

Иш муҳокамасини тижорат сирини сақлаш учун ёпиқ суд мажлисида ўтказиш масаласини ҳал этишда, судлар Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сирини тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасида назарда тутилган маълумотларга нисбатан тижорат сирини режими татбиқ этилмаслигини ҳисобга олишлари лозим.

13. Шахснинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига бўлган ҳуқуқини таъминлаш учун иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш масаласини ҳал этишда, судлар бундай маълумотлар хусусияти ва мазмунини, шунингдек, улар ошкор қилиниши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни эътиборга олишлари лозим.

14. Шуни инобатга олиш лозимки, қонунга кўра:

а) очик суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати

билан;

жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан;

б) очик суд мажлисида аудиоёзувни амалга оширишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят иши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ҳар қандай иш бўйича эркин тарзда ёзма қайдлар қилишлари, стенограмма юритишлари, иқтисодий иш ёки маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан иш кўрилаётганда эса, шунингдек, аудиоёзув олиб боришлари мумкин.

Процесс иштирокчилари илтимосномаларини, оммавий ахборот воситалари вакиллари мурожаатларини қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида суд жойида ажрим чиқаради ва суд мажлиси баённомасига киритади.

Суд оммавий ахборот воситалари вакиллари тарқатилаётган ахборотнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, холислиги ва ишончлилиги учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида ёзиб қўйилади.

15. Суд мажлиси боришини қонунда йўл қўйилган кўринишда қайд этишни амалга ошираётган шахслар ҳаракати суд мажлиси тартибига халақит бермаслиги лозим.

Суд мажлисида иштирок этаётган ва унинг боришини қайд этиш ҳуқуқидан фойдаланаётган шахслар томонидан бу ҳуқуқнинг суиистеъмол қилиниши суд мажлиси тартибинини бузиш ҳисобланади. Бундай ҳолда суд айбдор шахсларга нисбатан процессуал қонунда назарда тутилган таъсир чораларини қўллашга ҳақли.

16. Шуни назарда тутиш лозимки, суд мажлисида қатнашиш учун келган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва-

килларининг суд биносига кириши суднинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар билан ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда таъминланиши лозим. Шу муносабат билан судлар ушбу ҳужжатлар билан суд биносига кириш жойида танишиш имкониятини таъминлашлари зарур.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, чет давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига улар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этган тақдирда киритиладилар.

17. Процессуал қонун талабларига мувофиқ фуқаролик, жиноят, иқтисодий, маъмурий ишлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари, суд муҳокамаси очик ёки ёпиқ тарзда ўтказилишидан қатъи назар, ошкора эълон қилинади, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жумладан, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тегишли ёпиқ суд мажлисида кўрилган фуқаролик иши бўйича суд қарори (масалан, фарзандликка олиш ҳақидаги) ошкора эълон қилинмайди.

18. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг очик суд мажлисида қатнашишини чекловчи ёки уларга монелик қилувчи шароит яратилиши ман этилади ва бундай ҳолат процессуал қонун бузилиши деб ҳисобланади ва қонунда белгиланган жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

19. Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот умумфойдаланиш учун очик ҳисобланади, ахборотдан фойдаланиш қонун билан чекланган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонуни 6-моддаси).

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотга, жумладан, қуйидагилар киреди:

давлат сирларига доир, (Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни 3, 5-моддалари);

қонун билан қўриқладиган бошқа сирга доир (масалан, фарзандликка олиш сири) (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддаси);

шифокорлик сирига доир (Ўзбекистон Рес-

публикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни 25-моддаси бешинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни 19-моддаси);

қонунга асосан фойдаланиш чекланган бошқа ахборотлар.

Суд ахборотнинг муайян қисми фойдаланиш учун чекланганлигини сабаб қилиб, талаб этилган ахборотни беришини рад қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда ахборотнинг умумфойдаланиш учун очик қисми тақдим этилади.

20. Фойдаланувчиларга тақдим этилаётган ахборот ўз вақтида берилиши ва қонунда белгиланган муддатда тақдим этилиши лозим.

21. Судлар фаолиятига доир маълумот фойдаланувчиларга уларнинг сўровига асосан, яъни оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат кўринишидаги мурожаатига асосан тақдим этилиши мумкин. Умумжаҳон ахборот Интернет тармоғи (бундан буён матнда Интернет тармоғи деб юритилади) орқали судга келиб тушган сўровга, яъни электрон ҳужжат тарзидаги сўровга ёзма сўровларни расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар қўлланилади.

Оғзаки сўров бўйича судлар фаолиятига доир махсус текширишни ва излашни талаб этмайдиган ахборот тақдим этилиши мумкин.

Масалан, оғзаки сўровга асосан суд мажлиси вақти ва жойи, иш кўрилиши босқичи ва натижаси ҳақидаги, иш судловга тегишлилиги бўйича юборилганлиги ҳақидаги ахборот берилиши мумкин.

22. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, қонунга кўра, маълумот тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш муддати уни рўйхатга олинган кундан бошланади. Сўралган ахборотни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида судлар келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш ва уларга жавоб бериш юзасидан судда иш юритишни тартибга солувчи ҳужжатларда белгиланган муддатларга риоя этилишини таъминлашлари лозим.

23. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, сўралган маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва (ёки) судларнинг Интернет тармоғида расмий веб-

сайтларида жойлаштирилган бўлса, судлар оммавий ахборот воситасининг номи, сана-си ва чиқиш рақами ҳамда (ёки) расмий веб-сайтнинг сўралган маълумот жойлаштирилган саҳифасини кўрсатиш билан чекланишга ҳақли.

24. Фойдаланувчиларни архив фондларида сақланаётган судлар фаолиятига доир ахборот билан танишиши архив ишига оид қонун ҳужжатлари ҳамда унга мувофиқ қабул қилинаётган бошқа ҳужжатлар билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Судлар фаолиятига доир ахборот оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тарқатилади.

Судлар фаолиятига доир Интернет тармоғида жойлаштирилиши шарт бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасида келтирилган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

| 186 | Умматова Мавлудахон Қодировна | Фарғона вилояти Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 25.12.2019 йил 5 малака даражаси |
| 187 | Ражабов Абдуқодир Амонович | Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси | 25.12.2019 йил 5 малака даражаси |
| 188 | Шоматова Дилноза Жалоловна | Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон туманлараро судининг судьяси | 25.12.2019 йил 5 малака даражаси |
| 189 | Тожибоева Гулбахор Пўлатовна | Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманлараро судининг судьяси | 25.12.2019 йил 5 малака даражаси |
| 190 | Ҳайдаров Шерзод Шухратович | Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг судьяси | 25.12.2019 йил 5 малака даражаси |
| 191 | Расулов Ойбек Мелисович | Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманлараро судининг судьяси | 25.12.2019 йил 5 малака даражаси |

Адвокатурани институтини ислоҳ қилиш давр талаби

Давлатжон ҲАБИБУЛЛАЕВ,
юридик фанлар номзоди, профессор

Мамлакатимизда кейинги йилларда адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 12 майдаги "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши адвокатура соҳасини ислоҳ этишни янги босқичга кўтарди. Мазкур фармонда белгиланган муҳим устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонунига 2018 йил 11 октябрдаги қонун билан бир қатор муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан:

— адвокатнинг патент вакили ва медиатор, шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими, ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатида фаолият олиб бориши белгиланди;

— адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати уч ой қилиб белгиланди (илгари олти ой эди);

— давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида, судья, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахс адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланди;

— адвокатнинг давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мазкур органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан адвокат томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш масалалари юзасидан "71-модда. Адвокат сўрови" деб номланган янги ҳуқуқий норма киритилди;

— суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини

ва Адвокатлар палатасини белгиланган тартибда ёзма хабардор қилиш тартиби жорий этилди;

— лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати олти ойга ўзгартирилди (илгари уч ой бўлган);

— адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такроран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилди ва бошқа муҳим янгиликлар киритилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида адвокатура тизимини янада ислоҳ қилиш зарурияти мавжуд. Чунки фуқаролар ва юридик шахсларнинг юридик хизмат ва юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжи, айниқса, адвокатларга нисбатан тобора ортиб бормоқда. Президентимиз Конституциямизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур. Бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт", деб таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирда юртимизда 4 минг нафар адвокат фаолият олиб бориши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида белгиланган малакали юридик ёрдам олиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини амалда тўлиқ таъминлаш имконини бермайди. Чунки ҳозир битта адвокатга 8250 киши тўғри келса, бошқа давлатларда, жумладан, АҚШда битта адвокатга 256 нафар, Францияда 1403 нафар, Германияда 500 нафар, Қозоғистонда 3900 нафар инсон тўғри келади. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, амалдаги адвокатлар сони Ўзбекистон аҳолисини малакали юридик ёрдам олишни тўлиқ қамраб олмайди. Шунинг учун ҳам бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш заруриятини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шунингдек, амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 31-моддасидаги "Лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича **камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши**" тўғрисидаги норма ҳам тўсиқ бўлиб келмоқда. Чунки юридик олий ўқув юртини тамомлаган мутахассис тўғри адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши учун ишга кирмоқчи бўлса, унга икки йиллик иш стажидан мавжуд эмас, деб қонунчиликдаги нормани рўқач қилишади. Шунинг учун олий юридик ўқув юртининг аксарият битирувчилари кўпроқ суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишга боришади. Мамлакатимизда адвокатлар сонини ошириш, ёш ҳуқуқшуносларни адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши учун ортиқча тўсиқларни бартараф этиш, уларни адвокатурага бўлган қизиқишини янада ошириш долзарб вазифалардан биридир.

Шу маънода 2020 йил 10 апрель куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокатлар мақомини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қарор лойиҳасида адвокатура соҳасини келгусида янада ислоҳ этиш, адвокатнинг мақоми, унинг обрўси ва нуфузини янада ошириш мақсадида бир қатор муҳим устувор йўналишлар ва вазифалар белгиланмоқда. Жумладан, 2020 йил 1 сентябрдан:

а) адвокат бўлишни истаган шахслар учун адвокатлик тузилмаларида мажбурий уч ойлик стажировка муддати сақланган ҳолда юридик мутахассислик бўйича икки йиллик иш тажрибасига эга бўлиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

б) адвокат сўровига адвокат ордери нусхасини илова қилиш тўғрисидаги талаб ҳамда сўровда адвокатлик сирини ташкил этувчи маълумотларни киритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади ҳамда бир вақтнинг ўзида сўровга адвокат гувоҳномасининг маълумотларини киритиш талаби жорий қилинади;

в) "Ягона дарча" тамойили асосида қўйидагиларни назарда тутувчи адвокатлик тузилмаларини ва юридик маслаҳатхоналарни рўйхатга олиш амалиёти йўлга қўйилади, жумладан:

— адвокатлик тузилмалари ва юридик маслаҳатхоналарни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатишни амалга ошириш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади;

— адвокатлик тузилмаларини рўйхатга олганлик учун давлат божи миқдорини ўзи келиб мурожаат қилганда БҲМнинг 1 бараваригача ва электрон кўринишда мурожаат қилганда

БҲМнинг 50 фоизигача камайтирилади;

— Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари улар томонидан ташкил этиладиган юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга қўйиш учун давлат божидан озод этилади;

— адвокатлик тузилмаларини рўйхатга олиш ва юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризалар икки кунлик муддатда кўриб чиқилади;

г) адлия органларининг адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатларига, устав фаолиятига, рўйхатга олиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибига риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари, шу жумладан, рўйхатга олиш тартибини бузганлик ва адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатлари талабларига риоя этмаганликлари учун жарималар ундириш бўйича ваколатлари бекор қилинади;

д) адвокатлик тузилмалари томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ ставкаси 5 фоизгача пасайтирилади;

е) адвокатлик тузилмалари томонидан нақд пулсиз кўринишда амалга оширилган қуйидаги тўловлар адвокатнинг жами даромадига кирмайди:

адвокатлар малакасини ошириш ҳамда адвокатларнинг таълими ва касбий тайёргарлиги билан боғлиқ бошқа харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига кириш ва аъзолик бадаллари;

адвокатнинг ҳаёти, соғлиги ва фуқаролик жавобгарлигининг суғуртаси бўйича харажатлар; адвокатнинг хизмат сафари харажатларининг ёки хизмат сафари билан боғлиқ компенсация тўловларининг тўлиқ ҳажми;

адвокат ёки унинг оила аъзоларининг санаторий-курорт даволаниши, дам олиши, стационар ва амбулатор даволаниши учун харажатлар, шунингдек, уларни қоплаб бериш қиймати;

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасаларида адвокат болаларининг таълими, таъминоти бўйича харажатлар;

Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларидаги (ўзи, шунингдек, фарзандлари ёки турмуш ўртоғи — йигирма олти ёшгача) таълим бўйича харажатлар;

адвокатларнинг ўн олти ёшгача бўлган болалари учун (ўқийдиганлар — ўн саккиз ёшгача) Ўзбекистон Республикасида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар бўйича харажатлар.

Бундан ташқари қарор лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига адвокатларнинг касбий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган даъволарни судларга давлат божини тўламасдан киритиш, дав-

лат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, мансабдор шахслар ва бошқа шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, адвокат судлар, бошқа барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари биноларига иш вақтида ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишидаги зарурият сабабли ҳеч бир тўсқинликсиз (фақат адвокат гувоҳномасини тақдим этиш билан) кириш ҳуқуқи, адвокат ўз касбий фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган компьютер, электрон, мобил ва бошқа алоқа қурилмаларини ҳамда техника воситаларини судлар, бошқа барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат органлари, муассасалари, ташкилотлари биноларига тўсқинликсиз олиб кириши ҳуқуқи, адвокатлар адвокат сўрови бўйича давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан адвокатнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган маълумотлар, ахборотлар, маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилганлиги учун давлат божи ва бошқа барча тўловларни тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.

Яна муҳим янгиликлардан бири сифатида адвокатлик касбининг обрўсини ошириш ҳамда судлов иш юритувининг айблов тарафга огишини истисно этишни, қонунларга қатъий риоя қилишни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини ҳамда суд процессида тортишув тамойилини таъминловчи замонавий ва ҳақиқатдан мустақил бўлган, ҳар томонлама касбий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган судьялик корпусини шакллантириш мақсадида **2025 йил 1 январдан** судьяликка номзодларга қўйиладиган мажбурий талаблардан бири адвокат сифатида **икки йилдан кам бўлмаган иш стажининг** мавжуд бўлиши белгиланмоқда.

Юқоридаги қарор лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида қуйида айрим фикрмулоҳазаларни билдириб ўтмоқчиман.

Биринчидан, қарор лойиҳасига "Ҳуқуқшунослик" бўйича олий таълим муассасаларининг битирувчиларига адвокатура соҳасига киришни энгиллаштириш учун адвокатлик мақомини олишни истаган талабалар учун охириги ўқув йилида алоҳида адвокатлик махсус курсини ташкил этиш, ушбу курсни бевосита Ўзбекистон Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда амалиёт билан боғлаш ва ана шу курсни муваффақиятли битирган битирувчиларга уч ойлик стажировкасиз адвокатлик мақомини олиш имкониятини бериш тўғрисидаги қоидаларни киритиш. Бу ўз навбатида олий таълим муассасалари

битирувчиларига адвокатура соҳасига кириш жараёнини энгиллаштиради.

Иккинчидан, қарор лойиҳасига "Олий таълим муассасаларига магистратура бўйича "Адвокатура" мутахассислиги очишга рухсат берилиши тўғрисида" қоида киритилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида, адвокатура фани назарияси ва амалиётини янада чуқурроқ ўрганишга, мазкур соҳа бўйича илмий тадқиқот ишларини ривожланишига олиб келади.

Учинчидан, қарор лойиҳасига адвокатлик фаолиятидаги лицензия, гувоҳнома ва ордер ҳужжатлари ўрнига ягона ҳужжат Ўзбекистон Адвокатлар Палатаси томонидан бериладиган адвокатлик гувоҳномасини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бу билан бир қатор ҳужжатлар рўйхати қисқаради, адвокатлик лицензияси ва гувоҳномасини тайёрлаш учун давлат харажатлари камаяди, амалиётда адвокатдан мазкур ҳужжатларнинг барчасини талаб қилиш ҳолатларига барҳам берилади.

Тўртинчидан, фуқаролик суд ишларини юритишда тортишув принципини ҳаётга тўлақонли киритиш учун суд процессига малакали мутахассисларни, яъни адвокатларни жалб қилишни тақозо этади. Бу борада айрим давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида айнан қайси тоифадаги ишлар бўйича адвокат иштирок этиши шартлиги, шунингдек, суд томонидан тарафларга адвокат тайинланиши мумкин бўлган ҳолатлар мустаҳкамланган. Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасида, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 67-моддасида адвокат иштирок этиши шарт бўлган фуқаролик ишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу масала бўйича Германия Федератив Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 4-боби, 78-моддасида процессуал адвокат тарафнинг вакили сифатида мажбурий иштирок этиши белгиланган.

Юқоридаги хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, фуқаролик суд ишларида тортишувчанлик принципини амалда таъминлаш юзасидан адвокат иштирокининг самарадорлигини ошириш, ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатилишини кафолатлаш мақсадида фуқаролик ишларида шартнома бўйича вакил сифатида адвокат иштирок этиши шарт бўлган ишлар рўйхатини фуқаролик процессуал қонунчилигига киритиш тўғрисида ҳам қоида назарада тутилса, мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, қарор лойиҳасида кўрсатилган асосий устувор йўналиш ва вазифалар келгусида адвокатура соҳасини янада такомиллаштиришга, адвокатларни ўз фаолиятини тўла қонли амалга оширишга, фуқароларга профессионал малакали юридик хизмат кўрсатишни тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг хусусиятлари

Гулчеҳра УРАЗБОЕВА,
ИИВ Академияси ўқитувчиси

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, бугунги кунда ҳокимият бошқарув органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сўзсиз кўриб чиқилиши, бунда уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, мурожаатларни қонунчиликда белгиланган муддат ва тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда кўриб чиқиш устувор вазифа ҳисобланади. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Биз амалга ошираётган ишларнинг бош мақсади — фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда синчиклаб кўриб чиқишни ва ҳал этишни таъминлашдир"¹.

Айтиш керакки, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари² билан кафолатланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига

эга", дея қайд этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, таҳлил қилинаётган жиноятнинг бевосита объектини жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин ҳамда мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни³нинг 3-моддасига биноан мурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида берилди. Қонунга кўра, ариза ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган, таклиф давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган ва шикоят бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахсларга мурожаатларни бериш муддатлари қоида тариқасида белгиланмайди. Аммо

айрим ҳолларда, агар давлат органининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, тегишли давлат органларига мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Жиноят кодексининг 144-моддасида назарда тутилган жиноят икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида белгиланган жиноят таркибининг объектив томонини: 1) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш; 2) мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш; 3) мурожаатларга ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик; 4) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш; 5) жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаслик; 6) жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш; 7) жисмоний ва юридик шахс-

ларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш билан боғлиқ қилмишлар ташкил этади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш ваколатли орган, мансабдор шахс ёки ҳокимият вакиллари томонидан жисмоний ёки юридик шахс муурожаатини ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан кўриб чиқиш учун қабул қилмаслик ёки қабул қилинган муурожаатларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқмаслик, муурожаатни қаноатлантирмаслик ёки жисмоний ва юридик шахснинг муурожаат тарзидаги қонуний талаби бўйича ваколат доирасида чоралар кўрмасликда ифодаланади.

Қонун талабига кўра, муурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт. Фақатгина аноним, жисмоний ва юридик шахс вакилини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда у орқали берилган ҳамда қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муурожаатлар кўриб чиқилмайди.

Муурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш деганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қонун билан ўрнатилган муддатларга асоссиз ва узрли сабабларсиз риоя қилмаслик ёки уларга амал қилмаслик ҳамда тегишли муассасага муурожаатларни кўриб чиқиш учун ўз муддатида юбормаслик тушунади.

Узрли сабаблар фақат

объектив (енгиб бўлмас куч таъсири) ва субъектив хусусиятдаги (масалан, муурожаатларни кўриб чиқишга масъул шахснинг бетоблиги) омиллар бўлиши мумкин.

Муурожаатлар уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёхуд бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилади. Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд муурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, муурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Давлат органига келиб тушган муурожаатлар шу орган томонидан ёки унинг муурожаатларни кўриб чиқиш бўйича мажбуриятлар зиммасига юклатилган мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилади.

Кўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган муурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда муурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Муурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилина-

ётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Қонунга биноан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Муурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар давлат органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Муурожаатларга ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб

юбормаслик деганда, мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилмаслик тушунилади⁴.

Қонунга кўра, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига хабар берилиши керак.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш деганда, мурожаатдаги масаланинг амалдаги қонунчилик меъёрларини бузган ҳолда ҳал қилиш тушунилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаслик деганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича, шунингдек, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг ижроси юзасидан қонун белгиланган муддатларда чоралар кўрмаслиги тушунилади.

Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш деганда, мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаётига ёки юридик шахсларнинг фаолиятига доир ҳар қандай маълумотларни, жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаат қилган ёки қилмаганидан қатъи назар эълон қилиш ёхуд ҳар қандай тарзда тарқатиш тушунилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш деганда, мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг ваколатларига кирмаган тақдирда мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтирмаслиги, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништирмаслик тушунилади.

Жиноят кодексининг 144-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳар бир ҳолатда айбдор томонидан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг айнан қайси нормалари бузилганлиги аниқланиши шарт.

Жиноят кодексининг 144-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилган вақтдан эътиборан тугалланган деб топилади.

"Жиддий зиён" - бу баҳоланадиган тушунча, шу боис уни расмий жиҳатдан миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш мушкул ва у фақат моддий зиёндан иборат деб қаралмаслиги лозим. Шу боис аксарият ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг оқибатини аниқлашда моддий зиённинг ҳажми, жабрланувчининг ижтимоий аҳоли, жисмоний ёки юридик шахсларнинг асосий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг қўпол равишда бузилиши ва шунга ўхшаш омилларни инобатга олиш зарур. Чунки уларнинг йиғиндиси жисмоний ва юридик шахс ёки давлат ёхуд жамоанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлигидан гувоҳлик беради.

Зарарнинг жиддийлиги жисмоний ёки юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш ҳамда давлат ҳокимияти тегишли идораларнинг нуфузи ва ишончининг пасайиш даражаси билан аниқланиши мумкин. Етказилган зарарнинг жиддийлиги давлат ташкилотлари, муассасалари, корхоналари, жамоат бирлашмалари кабилар фаолиятидаги бошбошдоқликда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунлар бузилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар хусусияти ҳамда маънавий зарарнинг аҳамияти, моддий

Жисмоний ва юридик шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларига ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунлар бузилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар хусусияти ҳамда маънавий зарарнинг аҳамияти, моддий

Зарарнинг жиддийлиги жисмоний ёки юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш ҳамда давлат ҳокимияти тегишли идораларнинг нуфузи ва ишончининг пасайиш даражаси билан аниқланиши мумкин. Етказилган зарарнинг жиддийлиги давлат ташкилотлари, муассасалари, корхоналари, жамоат бирлашмалари кабилар фаолиятидаги бошбошдоқликда ҳам намоён бўлиши мумкин.

зарар ҳажми, фуқаронинг меҳнат қилиш, шахсий ва бошқа ҳуқуқ ва манфаатларининг чекланганлик даражаси инобатга олинishi керак.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунни бузиш ишлари бўйича ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда айбдорнинг қилмиши ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши керак. Шубҳасиз, кўрсатилган оқибатлар, яъни қонунбузилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳақидаги қонунчиликни бузиш натижасида эмас, балки бошқа бир сабабларга кўра, келиб чиқса, шахс Жиноят кодексининг 144-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиниши Жиноят кодексининг 144-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони ташкил этади.

Жиноят кодексининг 144-моддаси иккинчи қисмида

назарда тутилган жиноят, жисмоний ёки юридик шахсга бирон-бир зарар етказилган ёки етказилмаганидан қатъи назар, таъқиб қилинган пайтдан эътиборан туғалланган ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун мансаб ваколатига эга бўлган шахс томонидан ғараз ёки бошқа шахсий манфаатлар туфайли бузилиши оқибатида, жисмоний ёки юридик шахс, жамоат ва давлатнинг ҳуқуқларига ёки уларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига зарар етказилганда, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 205 ёки 206-моддалари бўйича малакаланиши зарур.

Жиноят кодексининг 144-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томондан тўғри ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин. Шахс жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузаётгани ва бу ҳолат жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказишини билади ва шуни хоҳлайди ёки шундай ҳолатларнинг рўй беришига онгли равишда йўл қўяди.

Жиноят кодексининг 144-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят фақатгина тўғри қасдда ифодаланади. Айбдор жисмоний ва юридик шахснинг давлат органига ёки бошқа муассасаларга мурожаати муноса-

бати билан ёки мурожаатни ташкил этувчи танқид учун жисмоний ва юридик шахсни, унинг вакилини ёки оила аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказиш ёки таъқиб қилиши англайди ва хоҳлайди.

Жиноятни квалификация қилиш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг мотив ва мақсадлари қилмишни ҳуқуқий баҳолаш учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Жиноят кодексининг 144-моддаси биринчи қисми бўйича жиноятнинг субъекти 18 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс, давлат муассасаларида ёки ўзини ўзи бошқариш органларида хизмат лавозимига эга бўлган шахс ҳисобланади. Бундай шахс мансабдор ёки корхона, муассаса ёки ташкилотнинг мансабдор шахси ҳисобланмаган хизматчиси ҳам бўлиши мумкин. Жиноят кодексининг 144-моддаси иккинчи қисми бўйича эса, фақатгина мансабдор шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Мухтасар айтганда, мурожаатларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш ва жиноий жавобгарлик асосларини белгилловчи жиноят қонуни нормаларини тўғри қўллаш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминланишига ва қонунчилик нормаларини бирхилда қўлланилишига хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т., 2018. - Б. 237.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4904-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ЎРҚ 445-сон қонуни ва бошқ.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017. - № 37. - 977-м.

⁴ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - Б. 269-270.

Защита прав человека во главе политики Узбекистана

Азиз МИРЗАЕВ,
доктор юридических наук, доцент

В Узбекистане вопросы поощрения, соблюдения и защиты прав человека рассматриваются, как один из приоритетов государственной политики и взаимодействия с международными партнерами. Сегодня в стране создана система, отвечающая современным критериям демократии и прав человека.

Важнейшей предпосылкой и одновременно фактором формирования судебной системы демократического типа является наличие гражданского общества, которое является главной опорой подлинной демократии и правовой государственности: оно способствует их построению и служит залогом сохранения и укрепления конституционно-правовых принципов организации и деятельности органов судебной власти. Гражданское общество служит гарантом эффективной судебной защиты интересов общества от любых злоупотреблений препятствует наступлению на права человека, ограничивает коррупцию и т.д.

Гражданское общество и независимый, самостоятельный и беспристрастный суд представляют собой причинно-взаимосвязанные, необходимые системные компоненты правового государства, развитие одного явления невозможно без адекватного совершенствования другого.

Судебные и правоохранные органы реализуют благородную идею — **"Служить интересам народа"**¹.

Компетенция судебных органов в сфере обеспечения и защиты прав и свобод человека определена Законом Республики Узбекистан "О судах", в соответствии со статьей 2 которого "суд в Республике Узбекистан призван осуществлять защиту прав и свобод граждан, провозглашенных Конституцией и другими законами Республики Узбекистан, международными актами о правах человека, прав и охраняемых законом инте-

ресов предприятий, учреждений и организаций"².

В системе юридических гарантий прав и свобод человека трудно переоценить значение специальных процессуальных правил и процедур, с помощью которых обеспечивается реализация и защита основных прав и свобод человека.

В 2017 году в Верховном суде состоялись встречи с Верховным комиссаром ООН по правам человека Зейд Рейд аль-Хусейном, Специальный докладчик ООН по вопросам свободы религии Ахмедом Шахидом. В 2019 году, Верховным судом совместно с НЦПЧ организован визит в Узбекистан Специального докладчика ООН по вопросу независимости судей и адвокатов Диего Гарсия-Саян.

Состоялись встречи представителей Верховного суда с делегациями ООН (руководители Управления по наркотикам и преступности, Центра превентивной дипломатии в Центральной Азии), ОБСЕ (директор БДИПЧ, Представитель по свободе СМИ), Европейского Союза и других структур.

Были проведены переговоры с делегацией Международной неправительственной организации "Human Rights Watch", целью которых явились обсуждение направлений сотрудничества в области прав человека.

В 2017 г. состоялся визит делегации Регионального представительства Управления Верховного комиссара ООН по правам человека по Центральной Азии во главе с Ришардом Комендой в Узбекистан. В ходе встречи в Верховном суде обсуждались основные направления совместной деятельности по реализации договоренностей, достигнутых в ходе пребывания в Узбекистане Верховного комиссара ООН по правам человека З.Р. аль Хусейна (10-11 мая 2017 г.).

В рамках реализации Меморандума о сотрудничестве в сфере прав человека между ПРООН и Узбекистаном, который

предусматривает активизацию сотрудничества в таких направлениях, как проведение совместных консультаций, оказание взаимного содействия в сфере разработки и реализации программ и планов, направленных на защиту и поощрение прав и свобод человека, осуществляется совместный проект Верховного суда, ЮСАИД и ПРООН "Партнёрство в сфере верховенства закона в Узбекистане".

Верховный суд принял активное участие в ходе представления в договорные органы ООН Пятого национального доклада Республики Узбекистан по выполнению положений Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, Информации о выполнении Узбекистаном Резолюции СПЧ ООН 30/7 "Права человека при отправлении правосудия, включая правосудие в отношении несовершеннолетних", Комментарии к Докладу Государственного департамента США "О свободе вероисповедания в мире за 2017 год" в части Узбекистана.

В целях обеспечения реализации конституционного права на свободу и личную неприкосновенность продолжается имплементация положений процедуры "Хабеас корпус". Реализуются меры по совершенствованию института адвокатуры, в части усиления гарантий прав задержанных, обвиняемых, свидетелей и других участников процесса на правовую защиту в период дознания, предварительного и судебного следствия.

Получило повсеместное распространение "Правило Миранды".

С учётом опыта развитых стран ч. I. ст. 224 Уголовно-процессуального кодекса дополнена положением о том, что компетентное лицо обязано сообщить подозреваемому, что он задержан по подозрению в совершении преступления, и потребовать от него проследовать в ближайшее учреждение органов внутренних дел или иной правоохранительный орган. Компетентное лицо обязано разъяснить задерживаемому процессуальные права на телефонный звонок или сообщение адвокату либо близкому родственнику, иметь защитника, отказаться от дачи показаний, а также уведомить,

что данные им показания могут быть использованы в качестве доказательств по уголовному делу против него. При этом задерживаемое лицо обязано назвать себя и по требованию задерживаемого предъявить документ, удостоверяющий его личность.

Упразднено уголовное наказание в виде ареста в пользу применения видов наказания не связанных с лишением свободы, сокращены сроки задержания лиц, подозреваемых в совершении преступления с 72 до 48 часов, применения мер пресечения в виде содержания под стражей, домашнего ареста, предварительного следствия с 1 года до 7 месяцев, приняты дополнительные организационно-правовые меры по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности, введена отдельная уголовная ответственность фальсификацию доказательств, следственные изоляторы и изоляторы временного содержания будут оснащены средствами видеонаблюдения.

В 2019 году судами по уголовным делам рассмотрено 28 846 дел в отношении 36 845 лиц, что на 24,4 % дел и 24,2 % лиц меньше, чем за 2018 год.

При этом 859 лиц оправданы и реабилитированы, количество осужденных составило 27 603 лица, из них в отношении 6 957 лиц назначено наказание в виде лишения свободы, а в отношении 19 278 лиц назначены другие виды наказаний, 1 368 лиц осуждены условно. В числе осужденных 24 491 мужчина, 3 112 женщин, 10 700 молодых людей (в том числе 497 несовершеннолетних лиц) и 873 лица старше 60 лет.

Также, 3 080 лиц освобождены из-под стражи из зала суда в связи с назначением им наказаний, не связанных с лишением свободы, 26 436 лиц освобождены от отбывания наказания условно-досрочно, 8 028 лицам назначенное наказание заменено на более мягкое и из обвинения 6 665 лиц исключены или переквалифицированы статьи, необоснованно вменённые органами предварительного следствия.

На основании гарантийных писем Союза молодёжи 270 лицам, Комитета женщин 210 женщинам и сходов граждан махаллей 1 373 лицам назначены наказа-

ния, не связанные с лишением свободы.

В сравнении с 2018 годом сократились показатели судимости по таким видам преступлений, к которым, в частности, относятся, угон транспортного средства, мошенничество, незаконный выезд за границу или незаконный въезд в Республику Узбекистан, умышленное убийство, разбой, грабёж, хищение путём присвоения или растраты, кража, хулиганство, нарушение правил безопасности движения или эксплуатации транспортных средств, умышленное тяжкое и средней тяжести телесное повреждение, уклонение от содержания несовершеннолетних или нетрудоспособных лиц, содержание притонов или сводничество, торговля людьми, злоупотребление властью или должностными полномочиями, должностной подлог, организация и проведение азартных и других основанных на риске игр.

Одним из важных направлений реализуемых в Узбекистане реформ является демократизация судебной системы, обеспечение ее подлинной независимости и укрепление гарантий надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан, повышение уровня доступа граждан к правосудию, совершенствование системы противодействия преступности и профилактики правонарушений, реализацию принципа состязательности в судебном процессе, совершенствование системы оказания юридической помощи и правовых услуг.

Новой вехой в развитии и дальнейшем становлении независимой и эффективной судебной системы стало издание Указа Президента Республики от 21 февраля 2017 года № УП-4966 "О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан".

В соответствии со структурными преобразованиями в судебной системе Высший хозяйственный суд Республики Уз-

бекистан объединен с Верховным судом Республики Узбекистан, который стал единым высшим органом судебной власти в сфере гражданского, уголовного, административного и экономического судопроизводства.

Созданы административные суды, уполномоченные рассматривать споры, вытекающие из публично-правовых правоотношений и административные правонарушения. Хозяйственные суды переименованы в экономические суды с созданием межрайонных экономических судов. При этом дополнительно созданы 71 межрайонный (районный, городской) экономические суды, которые рассматривают споры между субъектами предпринимательства по первой инстанции, а существующие хозяйственные суды областей, города Ташкента и Республики Каракалпакстан преобразованы в суды второй инстанции.

Отдельное внимание уделяется эффективному использованию института общественного контроля, в том числе с активным вовлечением в этот процесс представителей средств массовой информации, негосударственных некоммерческих организаций. Как подчеркнул Президент Республики Узбекистан, выступая на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции, общественный контроль - это не только контроль над деятельностью государственных органов, но и один из важных факторов развития гражданского общества.

Данные шаги повлияли на то, что осуществляемые в стране реформы получают высокую оценку со стороны международных экспертов. В частности, Специальный докладчик ООН по вопросу о независимости судей и адвокатов Диего Гарсия-Саян, посетивший Узбекистан в сентябре прошедшего года приветствовал меры, принимаемые руководством страны, по реформированию судебной правовой системы, обеспечению независимости судей и доступа к правосудию.

¹Подробнее см. доклад избранного Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева "Обеспечение верховенства закона и интересов человека - гарантия развития страны и благополучия народа" <http://uza.uz/ru/politics/obespechenie-verkhovenstva-zakona-i-interesov-cheloveka-gara-09-12-2016>; выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева "Конституция - основа нашей свободной и благополучной жизни, дальнейшего развития и процветания страны" <http://uza.uz/ru/society/konstitutsiya-nova-nashey-svobodnoy-i-blagopoluchnoy-zhizni-08-12-2017>; Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-23-12-2017>

²<http://www.lex.uz/acts/68521>

Значение системно-правовых принципов криминализации (декриминализации) в уголовном нормотворчестве

Ж. НЕЪМАТОВ,

*Доктор юридических наук, профессор
Ташкентского филиала РЭУ им. Г.В.Плеханова*

Важнейшая задача теории криминализации с точки зрения научного обеспечения уголовного нормотворчества состоит в разработке теории и метода перехода от криминализационных поводов к основаниям криминализации, выражающим общественную необходимость уголовного закона.

